O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 18 январь, шанба • №6 (11.497) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбек Миллий академик театри биносида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларининг республика анжумани бўлиб ўтди.*

## РЕСПУБЛИКА АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ

Анжуманда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларидан вакиллар, давлат бошқаруви идоралари, халқаро ташкилотлар ва жамғармалар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашдилар.

Ҳозирги кунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими ишлари самарадорлигини оширишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Шунинг натижасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари ҳамда маҳаллий ҳокимлик идоралари билан ҳамкорликда 7660 та маҳаллада, 755 та уй-жой ширкатларида, 333 та бозорларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таянч пунктлари ҳамда 210 та туман ва шаҳарларда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари тузилди. Шунингдек, ҳудудлардаги ушбу таянч пунктлари ва жамиятларни бирлаштириб турувчи Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирлашмалари ташкил қилинди.

Анжуманда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси Низомининг янги таҳрири, кенгаши, назорат-тафтиш комиссияси сайланди.

**"Туркистон-пресс".**

# БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ САРҲИСОБИ

*Вазирлар Маҳкамаси Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, уй-жой - коммунал хўжалик ва транспорт мажмуининг 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва иқтисодий ислоҳотлар боришини баҳолашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда мажмуа таркибига кирувчи тегишли вазирлик, қўмита, компания, уюшма ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари К.Тўлаганов бошқарди.

Ўтган йили мажмуа тармоқлари ва жойларда иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, капитал қурилиш ва қурилиш материаллари саноати бошқарув тизимини таркибий жиҳатдан такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида республика бўйича 1442,4 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Ўсиш суръати 103,6 фоизни ташкил этди. Жумладан, Ўзбекистон

**(Давоми 2-бетда).**



*Дунёда зиё тарқатишдан эзгу иш йўқ. Сиз суратда кўриб турган Дилоромхон Назарова ана шундай касб соҳибаси. У бир неча йилдирки, Бекобод туман марказий кутубхонасида етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган китобхонларга хизмат қилади ва ана шундай касбни эгаллаганидан фахрланади. Бу ерга ким ташриф буюрмасин, Дилором табассум ила қарши олиб, мутолаа учун китоблар танлашга кўмаклашади.*

**Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.**

## Муҳим маълумотнома

*Миллий матбуот марказида "Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлари" маълумотномасининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

Маълумотнома Марказ томонидан Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва демократиялаштириш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан ҳамкорликда Очиқ жамият институти – Сорос жамғармаси гранти асосида нашрга тайёрланган.

Тўпламда Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситаларига оид қонунлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган газета, журнал, ахборот агентликлари, телерадиостанциялар, радио каналлар, журналистлар тайёрланадиган олий ўқув юртлари, матбуотга алоқадор давлат, нодавлат ва халқаро ташкилотлар ҳамда журналистлар ҳақидаги маълумотлар жамланган.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Шу йил 16 январь куни вилоят ҳокимлиги ижтимоий масалалар мажмуининг 2002 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлигининг мажмуага қарашли бошқармалари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этдилар.*
*Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.*

# ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида ижтимоий соҳада олиб борилаётган тадбирлар, белгиланган дастурлар алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, бу дастурлар ва тадбирларнинг ҳаммаси аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашдан тортиб, соғлом авлодни вояга етказиш, маънавий-маърифий тарбияни йўлга қўйиш, спорт ва маданиятни ривожлантириш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим тизимида ислоҳотларни амалга ошириш сингари қатор вазифаларни ўз ичига олади.

Йиғилишда ҳокимликнинг ижтимоий масалалар бўйича котибияти раҳбари Ҳолтўра Шафоатов 2002 йил мобайнида ана шу ва мажмуа фаолияти билан боғлиқ бошқа соҳаларда амалга оширилган ишларни чуқур таҳлил этиб берди. Таъкидлаш керакки, ўтган йил мобайнида бу борада ислоҳотларни чуқурлаштириш, белгиланган дастур ва тадбирларнинг ижросини таъминлаш юзасидан салмоқли ишлар қилинди. Уларнинг натижалари ўзининг самараларини бермоқда. Масалан, 2002 йилнинг ўзида вилоятда 11 та янги мактаб, 8 та замонавий касб-ҳунар коллежи, 23 та қишлоқ врачлик муассасаси қурилиб ишга туширилди. Соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тарихга қарияларни қадрлаш йили сифатида кирган йилда кексаларни ижтимоий ҳимоялаш, уларга тиббий, маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш борасида ҳам ўзига хос ўзгаришлар бўлди.

Йиғилишда мажмуада амалга оширилган бу сингари кўплаб рақамлар келтирилди. Лекин асосий эътибор келгусида эришилган натижаларни янада мустаҳкамлаш, белгиланган дастур ва тадбирлар ижросини давом эттириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш устида борди. Бу бежиз эмас. Айрим туман ва шаҳарларда соҳадаги ислоҳотлар ҳали талаб даражасида олиб борилмаяпти. Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, маданият, маънавият соҳаларида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш учун кўпроқ ишлаш керак. Айниқса, замонавий ўқув муассасаларини малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминлаш, ўқув юртларида билим бериш савияси, маданиятни ошириш устида ишлаш зарурлигига тўхталинди. Соғлиқни сақлаш тизими, хусусан, чекка қишлоқларда бунёд этилаётган тиббий муассасаларни малакали кадрлар билан таъминлаш ҳам энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, уни оммавийлаштириш устида гап борар экан, биринчи навбатда жойлардаги мавжуд ўйингоҳлар ва спорт залларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш керак.

Йиғилишда вилоятда вояга етмаганлар ишлари бўйича ҳудудий комиссиялар фаолияти алоҳида муҳокама этилди. Тўғри, мазкур комиссиялар томонидан маълум ишлар қилинмоқда. Лекин бу борадаги фаолиятни янада такомиллаштириш зарур. Айниқса, комиссиялар томонидан жойлардаги ўқиш ва меҳнатга жалб этилмай қолган ўсмирларни аниқлаш, уларни турли нохуш йўллардан қайтариш, хусусан, ўқув юртларида ёшлар тарбияси билан шуғулланиш жуда муҳим лиги айтилди.

Йўл қўйилган айрим камчиликларни бартараф этиш, муаммоларнинг мақбул ечимини топиш юзасидан мажмуа йиғилишида тегишли бошқармалар, шаҳар ва туман ҳокимликларига аниқ кўрсатмалар берилди. Мажмуанинг 2003 йилги асосий вазифалари белгилаб олинди.

Тадбир

# МИСР БИЛАН ТАНИШУВ

*Миср қадимдан маданият ўчоғи ҳисобланиб келган. Фиръавнлар давридан сақланиб қолган маданий ёдгорликлар бунга яққол мисол.*

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган «Ҳамкорлик» аёллар клубида бўлиб ўтган кеча Миср ҳақида янада тўлароқ маълумот олиш, бугунги мисрликларнинг ҳаёти ва мамлакатдаги сиёсий, маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий янгиликлар билан яқинроқ танишиш имконини берди.



Тадбирни уюштиришда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Миср маданият маркази, Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Ҳамкорлик» аёллар клуби ҳамжиҳат бўлдилар. Унда клубга аъзо мамлакат элчихоналари вакиллари ва бошқалар иштирок этишди.

Миср руҳида безатилган клубда меҳмонларни Фиръавн ва унинг маликаси Нефертитилар кутиб олишди.

Кеча Ўзбекистон ва Миср давлатлари мадҳияларини ижро этиш билан бошланди. Мисрнинг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гамил Фаёд сўзга чиқди. У ўз юрти, халқи, унинг бетакрор маданияти ҳақида гапириб берди.

– Бугунги тадбир Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги қадимий алоқалар янада мустаҳкамланишига хизмат қилади. Бундан буён ҳам юртларимиз ва халқларимиз қадрдон бўлиб қолажаклар, — деди сўзининг охирида Гамил Фаёд.

Кеча иштирокчиларига пирамидалар юрти ҳақидаги видеофильм намойиш этилди.



Миср маданият марказидаги машғулотларга қатнашиб, дўст халқ санъатини эгаллаб улгурган ўзбек йигит-қизларининг чиқишлари тадбир иштирокчиларига кўтаринки руҳ бағишлади. Улар ижро этган арабча куй ва қўшиқлар, рақслар меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

*СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.*

***Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.***

Шу сонга

## БОЛАЛАР МАМНУН

*Олмалиқ кон-металлургия комбинати акциядорлик жамияти маъмурияти болалар спортини ривожлантиришга маблағни аямаётир.*

Янги ташкил этилган спорт-техника клубида комбинат ходимларининг фарзандлари мотокросс, авиа ва кема моделчилиги билан шуғулланишмоқда.

«Металлург» спорт мажмуасида очилган спорт мактабида эса болалар ва ўсмирлар спортнинг олти тури бўйича таълим олиб, жисмоний чиниқишяпти.

***Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.***

## ҚИЗИҚАРЛИ МУЛОҚОТ

*Чирчиқ автомобил мактаби курсантлари ҳарбий қисмларга ташриф буюришди.*

Ватан хизматига чақирилувчилар аскарларнинг жанговар ҳаётлари ва маиший турмуш шароитлари билан яқиндан танишишди. Айниқса, Олий ҳарбий танк командирлари муҳандислик билим юрти билан танишув курсантларда катта таассурот уйғотди. Улар билим юрти тарихи билан танишиб, «Шон-шуҳрат» музейида қизиқарли суҳбатлар тинглашди.

Чирчиқ шаҳар мудофаа ишлари бўлими бўлажак аскарлар учун ҳарбий прокурор ва бошқа мутасадди раҳбарлар билан учрашув ҳам уюштирди.

***Ўз мухбиримиз.***

Танловлар

## 2002 ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИСИ

*Республика таълим марказида Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган анъанавий "Йил ўқитувчиси" кўрик-танлови якунланди.*

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар ўқитувчи иштирок этди.

– Бу йилги кўрик-танловнинг моҳияти, мазмуни, ўтказилиш тартиби аввалгиларига қараганда анча бошқача бўлди, – дейди Халқ таълими вазирлиги бош мутахассиси, ташкилий қўмита аъзоси Турсуной Абдуллаева. – Танлов шартлари қаторига ўқитишнинг замонавий технологияси ва компьютер сабоқлари юзасидан ҳам саволлар киритилди. Янги талаблар ўқитувчиларимизнинг умумий савияси қай даражада ошиб бораётгани, замонавий талабларга қанчалик мослигини аниқлаш имконини берди.

Танлов якунига кўра Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги 121-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Ирода Ҳамидова 2002 йилнинг энг яхши ўқитувчиси, деб топилди.

***Ҳулкар СОДИҚОВА, ЎзА мухбири.***

## ШАРТЛАРИ ЖИДДИЙ

*Паркент тумани маҳаллалари ўртасида бошланган кўрик-танлов ана шу ном билан ўтмоқда.*

Унинг шартига кўра ғолибликни белгилаш чоғида маҳаллалардаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар, шунингдек, ўтаётган тўй-ҳашамлар ва маъракаларни тартибга солиш борасида амалга оширилган ишлар инобатга олинади.

Тумандаги 49 та маҳалланинг ҳар бири танлов ғолиби бўлишга астойдил ҳаракат қилмоқда.

## БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ САРҲИСОБИ

Давлат консерваторияси, Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази, Урология маркази, пойтахт кичик халқа йўлининг Шимолий ва Жанубий вокзаллар ўртасидаги қисми, Наманган "Нестле" қўшма корхонасининг биринчи навбати, Шахрисабз "Оқсарой тўқимачи" қўшма корхонаси каби йирик иншоотлар ишга туширилди.

Қурилиш соҳасида чинакам мулкдорлар синфи шаклланаётир. Жойларда улкан объектлар қуриш борасида ишлаб чиқариш қуввати етарли бўлган йирик хусусий фирмалар муваффақиятли фаолият кўрсата бошлади. Тошкентдаги "Элеком", Намангандаги "Сардор", Самарқанддаги "Темп", Андижондаги "Йўлсоз" фирмалари шулар сирасига киради.

Бунёдкорлик ишларида кичик ва ўрта бизнеснинг ҳиссаси анча ортди. Унинг капитал қурилиш ишларидаги улуши 40,8 фоизни ташкил этди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 2,5 баравар кўпдир.

Ўтган йил якунлари бўйича мажмуа таркибига кирувчи барча ташкилотларга юкланган экспорт топшириғи ортиғи билан бажарилди. Мажмуа корхоналарида локализация Дастури бўйича топшириққа нисбатан 73,5 фоиз ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. 120 касб-ҳунар коллежи ва 7 академик лицей фойдаланишга топширилди.

Қурилиш материаллари саноатида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 159 фоизни ташкил этди. Халқ истеъмоли товарларининг сантехкерамик маҳсулотлари, черепицалар, мармар плиткалар каби янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Йиғилишда вазирликлар, ташкилотлар ва ҳокимликлар мутасаддиларининг ўтган йил мобайнида бажарган ишлари, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳамда келгусидаги вазифалар борасидаги ахборотлари тингланди. Капитал қурилиш, коммунал хўжалик ва транспорт соҳасида иқтисодий ислоҳотларнинг бориши билан боғлиқ масалалар атрофлича кўриб чиқилиб, 2003 йилда бажарилажак муҳим вазифалар белгиланди.

***ЎзА.***

(Давоми. Боши 1-бетда).

2003 йил — Обод маҳалла йили

## ҲАМЖИҲАТЛИК

**Ангрен шаҳри маҳаллаларида маънавий тарбиянинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда**

— Нимасини айтасиз, ўз-ўзини бошқаришнинг энг қуйи бўғини — маҳалланинг янги давр кишиларини тарбиялашдаги ўрни тобора аҳамиятли тус олаяпти, — «Маҳалла» жамғармаси Ангрен шаҳар бўлинмаси кенгашининг раиси Раимжон Саматов стол устидаги иш қоғозларини йиғиштира бошлади. — Улар эндиликда давлат бошқарув хизматларининг салмоқли қисмини ўз қўлларига олди. Жамиятда демократиялашув ва эркинлаштириш жараёнлари чуқурлашгани сари уларнинг ваколат доираси ҳам кенгайиб бораверади. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида маҳалланинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрнига ниҳоятда катта баҳо берганлигининг боиси ана шунда.

Бу ҳолатнинг барча жиҳатларини шаҳардаги 19 та маҳалла ҳаётида, фаоллар ва оқсоқолларнинг кундалик саъй-ҳаракатларида яққол кўриш мумкин. Фуқаролар йиғинлари олиб бораётган ишлар билан танишишни Улуғбек номли маҳалладан бошладик. Унинг оқсоқоли Жумақул Назаров эндигина йўлсозлар ёнидан келиб турган экан.

– Кўчаларни созлаш-таъмирлаш хусусида фикрлашиб олдик, — деди оқсоқол мамнун бўлиб. — Ангрен йўлсозлари маҳалламизда катта ҳажмдаги ободонлаштириш режасини амалга оширишга киришишди. Эскигина бир қаҳвахонани кенгайтириб, замонавий кўринишдаги файзли бир ошхонага айлантиришаяпти.

Оқсоқол одамларда тадбиркорликка интилиш кучайиб бораётгани хусусида сўзлайди. Маҳаллага кираверишда тадбиркор Хожар Нишонов ёқилғи қуйиш корхонасини барпо этди. Шу баҳона теварак-атроф кўримли бўлиб қолди. Собиржон Мамаразоқов эса, эски универсамни сотиб олиб, йирик савдо-маиший мажмуасига айлантирди. Қайта таъмирланган бинонинг бутун қадди-басти ўзгарди-қолди. Иккинчи қават маҳалла тўйхонасига айлантирилди.

— Шу сабаб маҳалламизнинг гузари шаклана бошлади, — дейди Жумақул. — Маҳалла фуқаролар йиғини ва милиция таянч пункти учун кўркамгина жой барпо эта бошладик.

Маҳаллада хусусий тадбиркорлик асосида «Шодлик» ресторани, замонавий технология асосида катта новвойхона қурилди. Хароба маиший хизмат уйи ҳам тикув цехига айлантирилди.

— Янгиобод шаҳри аҳолисини ҳам сифатли иссиқ нон билан ўзимиз таъминлаймиз, — дейди тадбиркор Абдуҳамид Муталов.

Эски спорт мажмуи ҳам таъмирланиб, мамлакат олимпиада заҳирасининг машғулот майдонига айлантирилди.

Буларнинг ҳаммаси янги-янги иш жойлари дегани, албатта. Тадбиркорликнинг ривожи боис Улуғбек маҳалласида бугун ишсизлар деярли йўқ.

— Тўрт-беш аёл бор эди иш билан банд бўлмаган, — аниқлик киритади Жумақул. — Йўлсозлар билан гаплашиб, жойладик, ишга тушиб кетишди.

Албатта, бу ажойиб силжишларни оқсоқолнинг ёлғиз ўзи эплаши қийин. Жумақул Назаров у ёки бу масалани ҳал этишда ҳамиша Облоқул Раҳматуллаев, Сотволди Масолиев, Қаюм Мирусмонов, Жамила Исоқова, Саодат Нораллиева, Ҳарилой Қўчқорова сингари фаол ёрдамчиларига қаттиқ суянади. Аҳолининг кундалик турмуши, маънавий ва ҳуқуқий тарбия, маданий-маърифий ишлар билан боғлиқ долзарб масалалар шу кишиларнинг иштирокида ҳайъат мажлисида кўриб чиқилади. Ҳамжиҳатликда олиб борилаётган мафкуравий тарбия, оммавий-маданий ишлар ўз самараларини бера бошлади. Бугун Ангрендагина эмас, балки бутун вилоят маҳаллаларининг ҳаёти таҳлил қилинадиган бўлса, Улуғбек номли бу маҳалла олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Хонадонларда тўйлар ихчам, файзли ўтадиган бўлиб қолди. Илгаригидек, келин-куёвни кузатиб юрувчи тўда-тўда машиналарни бу ерда кўрмайсиз.

Янгича урфларни турмушга сингдириш борасида ҳам самарали ишлар олиб борилаяпти. Ғофур Ғулом номли, Облиқ, Самарчуқ маҳаллаларида тўйлар айниқса ихчам, ортиқча дабдабасиз, лекин, мазмунли ўта бошлади. Турсунтош Жалолова, Обиджон Қорабоев, Олимжон Бойдуров сингари оқсоқоллар, Иномжон Сайфутдинов, Саъдулла Матасимов, Шомансур Шоабдуллаев, Муқаддасхон Рашидова, Жалолхон Акромов каби меҳнат фахрийларининг бу борадаги ҳаракатлари айниқса салмоқли тус олаётир.

...Қурама тоғларининг энг баланд чўққиси — Бобоёғга қуёш ловуллаб, кўзларни қамаштирди, кўчаларни, майдонларни ярқиратиб юборди. Шахтёрлар, олтин изловчилар, қурувчилар, транспортчилар шаҳрида янги кун бошланди.

***Жўрабек МУРОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

# Газета: менежмент ва маркетинг

*Тошкентда газета менежменти ва маркетингига бағишланган семинар-тренинг бошланди.*

Мазкур ўқув машғулоти Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ва Ўзбекистон Очиқ жамият институти Кўмак жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган.

18 январгача давом этадиган ўқув машғулотларида хорижий ва маҳаллий матбуот тажрибаси, бозор иқтисодиёти шароитида матбуот, босма оммавий ахборот воситалари рейтинги, матбуотда реклама каби мавзуларда баҳс ва мунозара юритилади. Хорижий мутахассислар ўз мамлакатидаги матбуот фаолияти тўғрисида маърузалар қилади. Газета тайёрлаш бўйича амалий машғулотлар ўтказилади.

***Замон ЭШОНҚУЛОВ,***
***ЎзА мухбири.***

«Тошкент ҳақиқати» почтасидан

# ИМТИЁЗЛИ ЧИПТАНИ КИМЛАР ОЛАДИ?



*Бўка шаҳар Акмал Икромов кўчаси 39-уйда яшовчи Эргаш Сайдуллаевдан хат олдик. У ўз мактубида иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ортида меҳнат қилганини, гувоҳномасида имтиёзлар кўрсатилганлигини ёзиб, сўнг бўлган воқеани баён этган.*

У Бекобод шаҳридан Бўкага келиш учун автобусга чипта олиш мақсадида шоҳбекатдаги касса хизматчисига мурожаат этади ва гувоҳномасини кўрсатиб, имтиёзли нархда йўл ҳақи тўламоқчи эканини айтади. Шоҳбекат ходими эса унга ҳамма учун умумий белгиланган баҳода пул тўлаши лозимлигини билдиради. Худди шу гапни шоҳбекат бошлиғи ҳам таъкидлайди. Муаллиф ўз хати ниҳоясида шу тўғрими ёки нотўғри эканини аниқлаб, маълум қилишимизни сўраган.

Бу ҳақда тушунтириб беришни сўраб, «Тошвилоятйўловчитранс» уюшмаси йўловчилар ташиш бўлими мутахассиси Алишер Назаров билан боғландик.

— Шоҳбекат ходимлари Э.Сайдуллаевга нархни тўлиқ тўлаши лозимлигини тўғри айтишган, — деди А.Назаров. — Шаҳарлараро қатновчи автобусларга имтиёзли фоизда йўл ҳақи тўлаш ҳуқуқи уруш қатнашчиларига берилган. Уруш даврида фронт ортида меҳнат қилганлар фақат ўзлари истиқомат қилаётган вилоятнинг шаҳар ёки тумани ҳудудида, яъни маҳаллий йўналишларда бундай имконият дан фойдаланишлари мумкин.

# ЖАМҒАРМА МАЖЛИСИДА

*Икки йилдирки, Ибн Сино халқаро жамғармаси гиёҳвандлик, ВИЧ/ОИТС муаммоларининг олдини олиш масаласи билан шуғулланиб келмоқда.*

AIDS

2002 йил якунларига кўра жамғарма «Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик ва ВИЧ/ОИТС нинг олдини олишда фаол иштирок этганлиги учун» БМТнинг Жонатан Мэнн номидаги мукофотига сазовор бўлди.

Халқаро майдонда юқори нуфузга эга бўлган, Ибн Сино фаолиятини кенг тарғиб қилиб келаётган ушбу жамғарма бошқарув кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг вилоятлардаги бўлимлари раҳбарларининг 2002 йилги фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди. Асосий эътибор Вазирлар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Қарияларни қадрлаш йили давлат дастури тўғрисида»ги қарорларининг ижросига қаратилди.

Йиғилиш давомида оилаларда ва аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини аҳоли ҳаётига сингдириш устувор вазифа эканлиги таъкидланди. Шу сабабли йиғилиш якунида соғлиқни сақлаш тизимидаги илмий тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтириш хусусида келишиб олинди.

***Хуршида НАЗАРОВА,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

# ЕТТИ ҚЎШНИ ОТА-ОНА

*Чирчиқдаги еттинчи сонли кутубхона қошида ташкил этилган маънавият ва маърифат маркази ёш авлод тарбиясига оид масалалар бўйича давра суҳбатларини мунтазам ўтказиб турипти.*

Куни кеча бўлиб ўтган шундай тадбир «Бир болага етти қўшни ота-она» мавзусига бағишланди.

Унда энг ибратли маҳаллалар фаоллари, мактаблар директорларининг маънавият ва маърифат бўйича ўринбосарлари, қатор кутубхоналар ходимлари, отаоналар вакиллари, ҳуқуқшунослар қатнашдилар. Давра суҳбатида ёшларни халқимизнинг ажойиб анъаналарига садоқат руҳида тарбиялаш, турли экстремистик оқимлар таъсирига берилишининг олдини олиш, она-Ватанга меҳр-оқибат руҳида тарбиялашда ота-оналар, қўни-қўшнилар олдида турган вазифалар ҳақида қизғин мунозара бўлди.

***Салима ЯМИНОВА.***



*Акром ака Аъзамовни оҳангаронликлар жуда яхши билишади, муътабар ёши отахонлар қатори эъзозлашади, ҳурматини жойига қўйишади. У нафақат вилоятда, балки республикада номи таниқли отахон журналистлардан. Қўлига қалам олиб, ижодга меҳр қўйган катта-кичик одам борки, у кишига ўзини шогирд деб билади.*

# УСТОЗЛИК БАХТИ

Чунки, Акром ака қарийб 65 йиллик ижодий фаолияти даврида кўпдан-кўп ижодкор ёшларга сабоқ берди, тарбиялади.

Устоз ўз ёшига нисбатан ҳали тетик, бардам-бақувват, газетажурналларни кўзойнаксиз ўқийди. Сўзлари «чертилган» дона-дона бу киши билан суҳбатлашсангиз, зерикмайсиз.

Анъанавий савол — ижодни қачон бошлагани ҳақида сўрасангиз, кўзлари чақнаб кетади. Болалар газетасида илк шеъри «Тонг саҳар» номи билан босилиб чиққан йил ва 2 сентябрь кунини эслайди, анчагина катта ҳажмда бўлган ўша шеърни завқ билан ёддан айтади ва қўшиб қўяди:

— Тошкентнинг Шайхонтоҳур мавзеида жойлашган мактабимизда жуда талабчан, қаттиққўл адабиёт ўқитувчиси бўларди. Шеъримни газетадан ўқиб, синфдошларим олдида қофияси тумтароқ, мисралардаги бўғинлар бир-бирига тўғри келмайди деб танқид қилиб қолди. Шу баҳона бўлгану шеър ёзишни бас қилганман. Ўшанда ўн беш ёшлардаги бола эдим. Лекин, қаламни тарк этганим йўқ.

Мана, энди Акром ака ўшандан бери тутган қаламни қўлидан қўймай, эъзозлаб келяпти. Унинг кўпдан-кўп публицистик мақолалари, очерклари, «Жангоҳнома»лари, ҳаётий лавҳалари номини оташин журналист сифатида кўпчиликка танитди.

Фронтдан қайтгач, ўз ҳаётини журналистлик касби билан чамбарчас боғлади. Уруш қурбонлари бўлиб, олис тупроқларда ҳокипойи қолиб кетган вилоятдошларимиздан ўн икки минг киши номини аниқлаб, улар ҳақида маълумотлар тўплади, матбуотда чиқишлар қилди. Икки жилдлик «Хотира» китобини нашрга тайёрлади.

Бу, албатта, осонликча бўлгани йўқ. Олис Россия минтақаларининг кўплаб шаҳар-қишлоқларини кезиб чиқишга, «ёпиқ» архивларнинг зах ертўлаларида ойлаб, йиллаб қоғоз титкилаб ўтиришга тўғри келди. У ўзининг публицистик ижодини мана шундай хайрли ишлар билан боғлаб олиб борди.

Акром Аъзамовнинг «Оҳангарон фарзандлари», «Жасоратнома», «Қаҳрамонлик лаҳзалари», «Бегона тупроқ», «Мажруҳ муҳаббат» каби китоблари кетма-кет босилиб чиққан. Юқоридаги изланишлар муаллиф ҳаётни изчил кузатувчи ижодкор эканлигини кўрсатиб турипти. Бу китобларга кўз югуртириб чиққан киши унинг ўзига хос қалами ўткир ижодкор эканлигига амин бўлади.

Шундайлар бор бўлсин

Акром ака ўз ижодий фаолиятини матбаачилик билан уйғунлаштириб олиб бориб, қирқ йиллик умрини шу соҳага бағишлади. 1955 йилдан то нафақага чиққунича қарийб ўттиз икки йил давомида, «Оҳангарон» газетасининг муҳаррири бўлиб ишлади. Шогирд ва мухлисларининг кўплиги мана шундан!

Ҳозир бу отахон ёши анча ўтиб қолганига қарамай, йигитлардай чапдаст, тиним билмас, ҳаракатчан инсон. Вилоят «Нуроний» жамғармаси Оҳангарон шаҳар бўлими раиси. Тенгдош қари-қартанглардан доим хабар олиб, улар кўнглини кўтариб туради.

Шогирдлар эса:

— Устоз, Сиздай ёшимиз саксондан сакраганда ҳам бардамлик, ғайрат-шижоат бизни тарк этмасин, дуо қилинг! — дейишади унга ҳавас билан қараб.

***Дадахон НУРИЙ.***

Хабарингиз борми?

# «СЕМУРҒ»НИНГ МАҚСАДИ ХАЙРЛИ

*Шу йилнинг бошидан ўзининг аниқ мақсад ва вазифаларини белгилаб олган «Семурғ» хайрия жамғармаси иш бошлади.*

У ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ташаббуси билан тузилди. Жазони ўтаётганларга бепул ҳуқуқий маслаҳатлар ва амалий-ҳуқуқий ёрдамлар кўрсатиш, маҳбусларга маданий-маърифий, маънавий хизматлар уюштириш, уларга тиббий ёрдамни ташкиллаштириш ва озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, спорт анжомлари билан таъминлаш, ахлоқ тузатиш муассасаларида ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва бошқа кичик корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, жазони ўтаётган шахсларнинг яшаш шароитларини яхшилашга ёрдам қилиш, маҳбуслар оилаларига моддий ва маънавий кўмаклашиш, жазони ўтаб оилаcи бағрига қайтган шахсларга қисқа муддатли кредитлар ажратиш, иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғарма фаолиятининг асосий йўналишларидир. Жазони ўташ жойларида хайрия маросимлари, халқ байрамлари, шодиёналарни ташкиллаштиришда ўз маблағи билан қатнашиш каби ишларни ҳам жамғарма ўз вазифаси деб билади.

«Семурғ» давлат, жамоат ташкилотлари, корхоналар, бирлашмалар, фуқаролар ҳамда хорижий мамлакатларнинг вакиллари билан тенг ҳуқуқли тарзда иш юритади, юртимиздаги барча хайрия ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

Хуллас, «Семурғ» эзгу мақсадларни белгилаган. Бугун у ўз моддий негизини мустаҳкамлаш ҳаракатида. Бу эса сизларнинг саховатингизга боғлиқ.




Жамғарманинг банкдаги ҳисоб рақами ТузР ТИФ МБ Сирғали бўлими, МФО 00869 ОКПО код 18659917, ИНН 204189792. Х/р 20212000904214017001

Хайрия учун деб ёзилади.

# СИНОВЛАРДАН ЎТИШМОҚДА

*Айни кунларда республикамиздаги кўпгина академик лицейлар, касб-ҳунар коллежларининг раҳбар ва педагог ходимлари тест синовларидан ўтмоқда.*

Юртимиз таълим тизимидаги ислоҳотларни амалга оширишнинг бош мезони педагог ўқитувчилар ҳисобланади. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи сифат босқичи вазифаларидан келиб чиқиб, шу кунларда республикамиздаги барча академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари раҳбар ва педагог ходимлари тест синовларидан ўтмоқда.

***«Туркистон-пресс».***

Sport Sport Sport

# «ПАХТАКОР» ҲИМОЯНИ МУСТАҲКАМЛАМОҚДА

*Қаршининг «Насаф» жамоаси аъзоси ҳамда миллий терма жамоанинг етакчи ҳимоячиси Асрор Алиқулов «Пахтакор»га таклиф қилинди.*

Унинг Осиё чемпионлари лигаси ўйинларида ва мамлакат 12-миллий чемпионати учрашувларида пахтакорчиларнинг ҳимоя чизиғини мустаҳкамлашига умид боғланмокда.

«Пахтакор» жамоаси Бирлашган Араб Амирликларидан қайтиб келиб, Москвага учиб кетди. Бугун улар анъанавий Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кубогининг дастлабки учрашувини Украина чемпиони «Шахтёр» (Донецк) билан ўтказадилар.

# КУЧЛИЛАР САРАЛАБ ОЛИНАДИ

*Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» спорт мажмуида 1985-86 йилларда туғилган боксчилар ўртасида вилоят биринчилиги давом этмоқда.*

Мусобақани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, республика биринчилигида иштирок этадиган вилоят терма жамоасига кучли боксчиларни саралашдан иборат.

Биринчилик ғолиблари эртага — 19 январь куни маълум бўлади.

*Х. МЎМИНОВА.*

*Ёдингизда бўлса, 2002 йилнинг охирларида Англияда қиролича соврини учун таэквон-до бўйича Очиқ Европа чемпионати ўтказилган эди. Шуниси қувонарлики, бу мусобақада Ўзбекистон жамоаси муваффақиятли қатнашиб, республика шарафини муносиб ҳимоя қилди.*

# ТЎҚҚИЗ «ТИЛ»НИ БИЛГАН ЧЕМПИОН



Англиядан кейинги иккинчи ўринни эгаллаган ҳамюртларимиз 7 та олтин, 3 та кумуш, 4 та бронза медаллари билан тақдирландилар. Вакилларимиз қаторида энг ёш чемпион Чиноз тумани Олмазор қўрғонидаги 42-ўрта мактабнинг 4-синф ўқувчиси, 9 ёшлик — Шаҳноза Ҳолиқова ҳам бор.

Мусобақа мобайнида Шаҳнозанинг ютуғи Олмазорда бир зумда шов-шув бўлиб кетди. Кутиб олиш маросимида уни, албатта, биринчи бўлиб онаси Муҳаббат Шоюсупова ва устози Элмурод Тожибоев қизғин табриклашди.

Биз Шаҳноза билан Англиядаги чемпионат таассуротлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Қиролича соврини учун Очиқ Европа чемпионати 9-10 ноябрь кунлари Лондонда бўлиб ўтди, — дейди ғолибамиз. — Гуруҳимизда кичик ёшдаги уч ўқувчи бор эди. Булар — ўн ёшли Далер Қурбонов, ўн икки ёшли Азим Ажибеков ва тўққиз ёшли мен. 9 ноябрь куни катта ёшдагилар учун мусобақа бўлиб ўтди. Унда ғолибликни қўлга киритган акаларимиз олтин, кумуш медал билан тақдирланишаётганини кўриб, завқланиб кетдим. Шунда мен ҳам ҳаракат қиламан, деб аҳд қилиб қўйдим. Аввал «тил» — кўргазмали чиқишда қатнашдим. Тил — бу таэквон-до курашига асос бўлувчи ҳаракатлардир. Мен 9 хил «тил»ни биламан. У ерда кураш вақтида истаган ҳаракатни сўрашар экан.

— Сендан қайси бирини сўрашди?

— Аввал «Чун-ди» ҳаракатини намойиш қилиб бер, дейишди. Бажардим. Кейин «Уй вазифаси»-га ўтдик. Бунда «Хуарап» тилни намойиш этдим.

— Нима учун айнан шунисини?

— «Хуарап» менга энг ёққан тил.

Дўстларимнинг айтишича, ҳаракатларим жуда чиройли чиқибди. Мусобақа даврида англиялик қиз билан курашиб, уни енгдим. «Тил» ҳаракатларимга юқори балл қўйишди.

Мана икки йилдирки, Шаҳнозага таэквон-до устаси Элмурод Тожибоев устозлик қилади. Элмуроднинг феълидаги таэквондога ҳурмат, машқлардаги изчиллик, меҳнатсеварлик, билимдонликни бугун ёш қизалоқ Шаҳнозада ҳам кўриш мумкин.

— Шаҳноза машғулотларда ҳеч қачон инжиқлик қилмаган, — дейди Элмурод. — У ўтган давр ичида республика миқёсидаги кўплаб мусобақаларда муваффақиятли қатнашди ва биринчи, иккинчи ўринларни эгаллади. Англияга кетишдан аввал, бир ой Тўйтепада Пўлат Усмонов ташкил этган «Чаглаян» клубида тайёргарлик кўрди. Барча топшириқларни муваффақиятли бажарди.

Баъзан ўзим ҳам ажабланаман, гўё у таэквон-до учун яралгандай. Ўйлайманки, унинг келажаги порлоқ. Тўққиз ёшида халқаро мусобақада олтин медал соҳиби бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этавермаса керак.

Биз Шаҳнозанинг онаси Муҳаббат Шоюсупова билан ҳам фикрлашдик.

— Шаҳноза 2-синфда ўқиётганида дугоналари Саломат, Озодалар билан таэквон-дога қизиқиб қолди. Спорт соғлиғига фойда деб, Элмурод Тожибоевнинг гуруҳига олиб бордик. Дастлаб машғулотларга ҳафтасига икки маротаба қатнарди. Тез кунда жиддийлашиб, бардамлашиб қолди. Энди ҳар куни дарслардан кейин машғулотга боради.

— Шаҳноза олтин медал олганида сиз ҳақингизда ўйлабди, ҳурсандмисиз?

— Нимасини айтасиз, фарзандларим — менинг бахтим. Қизимнинг спортдаги ютуғи менга тақдирнинг совғасидир.

*Абдужалол РАҲИМОВ.*

Табобат Табобат Табобат Табобат

## ГИППОКРАТ ҲАМ БИЛАРДИ

- Грипп ҳақидаги илк маълумотларни эрамиздан аввалги 412 йилда Гиппократ тилга олганди.
- XVI асрга келиб, бу хасталик «Инфлюэнца» номини олди.
- 1729 йилда биринчи марта грипп аломатлари тўлиқ баён этилди.
- 1933 йилгача хасталикни Афанасьев – Пфейффер тайёқчаси қўзғатади деб ҳисобланарди.
- 1933 йилда Англияда Смит, Эндрюс ва Лейдлоу – А туридаги грипп вирусини кашф этдилар.
- 1940 йилда Френсис ва Неджил – В турли гриппни топишди.
- 1947 йилда Тейдор гриппнинг янги – С кўринишини очди.

## УЛАР ЮЗДАН ОРТИҚ

- Ҳозирги кунда юқори нафас йўллари хасталигини қўзғатувчи юздан ортиқ шундай вируслар маълум.
- Ҳар йили, одатда совуқ пайтларда грипп эпидемияси сайёрамиз аҳолисининг 15 фоизигача қисмини қамраб олади.
- 1580 йилдан бери жаҳонда 30дан ортиқ, XX асрнинг ўзида эса, тўрт марта эпидемия ва пандемалар хуружи кузатилган.



*СУРАТДА: Зангиота тумани тиббиёт коллежи биология ўқитувчиси Гули Абдураҳмонова талабалар билан.*

# ДАРҲОЛ ШИФОКОРГА МУРОЖААТ ЭТИНГ



— Ая, бошим оғрияпти, — деди Жасурбек.

Турсуной ўғлининг пешонасини ушлаб кўрди, иситмаси баландлигини билди-ю, касалхонага чопди.

Шифокор болани тиббий кўрикдан ўтказгач:

— Ўғлингиз грипп касаллигини юқтириб олган, — деди. Ва касаллик ҳақида унга тушунтира кетди.

Грипп — ўткир респиратор хасталиклари сирасига киради. Бу туркумга кирувчи касалликларнинг аҳоли орасида энг кўп тарқалгани грипп, парагрипп, адинавирусли инфекциялардир. Уларнинг келиб чиқиш сабаби турлича. Ҳаммаси юқори нафас йўлларининг яллиғланиши ҳамда нафас аъзоларининг зарарланиши билан кечади. Касаллик вируслари ташқи муҳит шароитида жуда чидамсиз, зарарсизлантирилганда ҳам қуёшнинг ультрабинафша нурлари таъсирида тез нобуд бўлади.

Бу касалликнинг болаларга тез юқиши ва иммунитетнинг турғун бўлмаганлиги сабабли қайта касалланиш ҳоллари кўп учрайди. Ўткир респиратор касалликлари бир ёшгача бўлган болаларда кўп кузатилади. Айниқса, рахид, гепатрафия, анемияси бор болаларда грипп оғирроқ ўтади.

Гриппнинг яширин даври жуда қисқа, клиник белгилари тез ривожланади. Нафас, асаб, юрак-томир аъзоларининг кучли заҳарланиши ва бошқа жиҳатлар юз беради. Беморнинг териси қурийди, тана ҳарорати кўтарилади, юрак уриши тезлашади, қонбосими ошади, боши оғрийди, кўз соққасининг ҳаракатида оғриқ сезилади, мушаклари қақшайди, томоғи қуриб, ютиниш оғирлашади. Бурун битиб, нафас олишнинг қийинлашуви, шиллиқ парданинг қизариши ва битиши ҳамда қуруқ йўтал пайдо бўлиши хасталикнинг муҳим кўринишидир.

Оғир турдаги гриппда кучли бош оғриқ, қусиш, ҳолсизланиш, бурундан қон кетиши мумкин. Кичик ёшдаги болаларда грипп ўзига хос тарзда ўтади. Тана ҳарорати кўтарилади. Бунинг натижасида у алаҳсирайди, хушидан кетади, баъзан талвасага тушиб, нафаси тезлашади.

Хасталикнинг олдини олиш учун бемор ётган хонани тез-тез шамоллатиш, ҳар куни икки-уч маротаба хлорли сув билан артиб туриш керак. Бемор ишлатадиган даструмол, сочиқ ва кийимлар ювишдан олдин қайнатилади. Даво сифатида наъматак дамламаси, сабзи суви, лимон ва малинали чой ичириш тавсия этилади. Хоналарни исириқ билан дудлатиб туриш фойдадан ҳоли эмас.

Шуни унутмаслик керакки, грипп кўпинча оғир асоратлар қолдиради. Шунинг учун ҳам ўзингизда бирон-бир нохушликни сездингизми, биринчи навбатда шифокорга мурожаат қилишни унутманг.

*Саида ЮНУСОВА,*
*Фарида КОМИЛОВА,*
*«Саломатлик» институти Тошкент вилояти филиалининг мутахассислари.*




ФАЛАСТИН:

## ФИКР ТЕЛЕФОНДА АЙТИЛАДИ

Яқин Шарқдаги вазият ҳамон танглигича қолаётир. Ҳали ҳам портлашлар, қуролли тўқнашувлар давом этмоқда. Қатор йиллардан бери бир-бирини тушунмаётган томонлар куч ишлатишдан чарчамаяпти.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда айтилишича, Лондонда минтақадаги вазиятни ўнглашга бағишланган яна бир анжуман бошланди. Бироқ унда Фаластин вакилларининг бевосита иштирок этишига рухсат берилмади. Тел-Авивда содир этилган сўнгги йирик қўпорувчиликдан кейин Исроил ҳукумати фаластинликларнинг мухторият ҳудудидан ташқарига чиқишини ман этиб қўйди.

Исроил оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, Лондон учрашувида бевосита қатнаша олмаётган Фаластин делегацияси музокарада телефон орқали ўз нуқтаи назарини баён қилади.

ВЕНЕСУЭЛА:

## ДЎСТЛАР ГУРУҲИНИНГ МАҚСАДИ

Америка ва Европанинг бир қатор давлатлари раҳбарлари ва ташқи ишлар вазирлари «Венесуэла дўстлари гуруҳи»ни тузиш учун Эквадор пойтахти Китога йиғилди. Ушбу гуруҳ президент Уго Чавес билан мухолифат ўртасида бўладиган музокара жараёнида воситачилик қилишни режалаштирмоқда.

Китоға ташриф буюрган Боливия, Бразилия, Венесуэла, Колумбия, Куба, Перу ва Чили президентлари ҳамда яна бир қатор давлатларнинг юқори лавозимли дипломатлари мазкур муаммони ҳал этиш учун икки томонлама ва кўп томонлама маслаҳатлар ўтказади.

МАДАГАСКАР:

## СОБИҚ БОШ ВАЗИРНИНГ ЯНГИ ҲУКУМАТИ

Ўтган йилнинг декабрида Мадагаскар оролида парламент сайлови бўлиб ўтган эди. Унинг натижаси янги йил арафасида эълон қилинди. Сайловда президент Марк Равалуманана партияси ғалабага эришди. Мазкур ғалаба, ўз навбатида, президентга ўзининг маслакдоши Жак Силлани қайтадан ҳукумат раҳбари этиб тайинлаш ҳуқуқини берди.

Энди собиқ бош вазир Жак Силла янги тузилажак ҳукуматга раҳбарлик қилади.

АРГЕНТИНА:

## ЯНА ҚАРЗГА БОТЯПТИ

Ўтган йилнинг охирида ХВЖнинг ўзи Аргентинага махсус режа таклиф қилган эди. Унга кўра, мамлакат жамғармага қарзларини тўлалигича қайтаради. ХВЖ эса Аргентинага яна ёрдам кўрсата бошлайди. Шу ҳафта Аргентина ХВЖ ҳисобига бир миллиард доллар миқдорида маблағ ўтказиши керак.

Давлат раҳбари Эдуардо Дуальенинг сўзларига кўра, ҳукумат Аргентина захираларидаги пулни ишлатишга монеълигини билдирган. Ҳукумат вакилларининг айтишича, Аргентинанинг етарли маблағи бўлганида, молиявий ташкилотлардан ёрдам сўрамаган бўларди.

Чорасиз қолган давлатнинг ёрдам сўрашдан бошқа иложи йўқ. Ҳар қандай вазиятда Аргентинанинг ХВЖ таклифига кўнишига тўғри келади. Сабаби, бошқа банкларнинг унга маблағ ажратгиси йўқ.

Шарҳловчи минбари

# ВАШИНГТОН ПХЕНЯНГА ЁРДАМ БЕРИШГА ТАЙЁР

*Шимолий Кореянинг ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан чиққани кўпчиликни саросимага солиб қўйди. Лекин масалани чигаллаштирган Пхенян ҳам, унинг ядро дастурига тиш-тирноғи билан қаршилик қилаётган Вашингтон ҳам муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдори экани маълум бўлгач, кескинлик бироз юмшагандай кўринмоқда.*

Аслида Корея ярим оролидаги вазият издан чиққанига ярим асрдан ошди. Минтақадаги «ядровий кескинлик» эса ўтган асрнинг 90-йилларида юзага келди. Бу АҚШ ҳукумати КХДР томонидан амалга оширилаётган ядровий тадқиқотларга қарши чиқишининг оқибати эди. Каттагина шов-шувга сабаб бўлган кескинлик 1994 йили АҚШ ҳамда Шимолий Корея ҳукуматлари ўртасида махсус ҳужжат имзоланиши билан якунланди. Унга кўра, АҚШ Шимолий Кореяга иккита энергетик реактор барпо этишда кўмаклашиши кўзда тутилган. Қурилиш ниҳоясига етгунга қадар эса Вашингтон Пхенянга ҳар йили 500 минг тонна мазут бериб туришни зиммасига олган.

2002 йилга қадар мунтазам равишда ёнилғи етказиб турган АҚШ ўтган йили Пхенян ядровий тадқиқотларни қайта бошлагани тўғрисидаги хабарлардан норози бўлиб, мазут беришни тўхтатди. Бунга жавобан Пхенян мамлакатдаги атом электр станцияларидан бирини ишга туширишга қарор қилди. Орадан кўп ўтмасдан, Шимолий Корея ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги шартномадан ҳам чиқиш ниятида эканини эълон қилди.

Ядровий масалаларга келганда айниқса қатъий турадиган АҚШ ҳукуматининг Шимолий Корея муаммосига қандай муносабат билдириши аввалига кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Негаки, АҚШдаги баъзи доиралар КХДРга нисбатан кескин choралар кўриш лозимлигини айтаётган эди. Мудофаа вазири эса матбуот анжуманларидан бирида АҚШ бирваракайига икки йўналишда уруш олиб бориши мумкинлигини ҳам таъкидлади. Лекин вақт ўтиши билан Вашингтондан янграётган овозалар оҳанги бироз юмшади. АҚШ ҳукумати вакиллари оммавий ахборот воситалари орқали Шимолий Корея билан муаммони ҳал қилиш борасида музокарага тайёр эканини маълум қилди. Куни кеча эса, Сеулга ташриф буюрган АҚШ давлат котибининг ёрдамчиси Жеймс Келли КХДРдаги атом муаммоси ҳал қилингач, Вашингтон Пхенянга энергетика соҳасидаги қийинчиликларни енгишга яқиндан ёрдам беришга тайёр эканини маълум қилди.

АҚШ ҳукумати муаммони тинч йўл билан ҳал қилмоқчи эканлиги равшан бўлгач, мамлакатдаги қатор йирик сиёсатчилар масалага янгидан муносабат билдира бошлади. Собиқ давлат котиби Генри Киссинжер Корея ярим оролидаги атом муаммосини ҳал қилиш учун халқаро конференция ўтказиш таклифини илгари сурди. Ўтган ҳафта КХДРнинг БМТдаги вакилларидан бири билан учрашган АҚШнинг Нью-Мексико штати губернатори Билл Ричардсон эса, чигални ечиш учун КХДР билан АҚШ вакиллари ўртасида бевосита музокара ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деган мазмунда фикр билдирди.

Хуллас, бутун дунёни ўзига қаратиб турган Корея ярим оролидаги вазият сал бўлса-да барқарорлашди. Пхенян МАГАТЭ билан ҳамкорликдан ҳамон бош тортаётган бўлса-да, мамлакат расмий доиралари вакилларининг гап-сўзлари КХДР ҳам муаммони тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдори эканидан далолат бермоқда.

Умуман олганда эса, ўз ядровий иншоотларидан тинч мақсадларда фойдаланишини бот-бот такрорлаётган Шимолий Корея учун ҳам, муаммони тинч йўл билан ҳал қилишни истаётган АҚШ учун ҳам тинчлик режаларидан бирини қабул қилиш энг мақбул йўлдир.

***Бобур СОБИРОВ,***
***ЎзА шарҳловчиси.***


Париж.

Турфа олам

## АЁЗ ХУРУЖИ



Бу йил сайёрамизда қиш одатдагидан совуқ келиб, одамларни анча ташвишга қўйди.

Об-ҳаво инжиқликлари Жанубий Осиёни ҳам ўз забтига олган. Совуқ туфайли Деҳли шаҳри ҳокимлиги пойтахтдаги барча мактабларни вақтинча ёпиб қўйди. «Стар нюз» телеканалининг хабар беришича, Ҳимолай тоғидан келган совуқ оқим Ҳиндистон шимолида 300 кишининг ўлимига сабаб бўлган.

Дунёнинг энг иссиқ ўлкаларидан бўлмиш, Бангладешда аҳвол янада чатоқ. Ҳаво совиб кетиши оқибатида ўтган ҳафта икки юздан зиёд одам ҳаётдан кўз юмди. Пайшанба тунининг ўзида 60 киши совуқ қурбони бўлди.

## КЎЗБОЙЛОҒИЧ ЭКАН

Америкалик кўзбойлоғич Дэвид Копперфилднинг ажабтовур фаолияти намуналари кимни ҳам лол қолдирмаган дейсиз?! У ўз қобилиятини яна бир соҳада ҳам қойилмақом қилиб намойиш этди. Германияда ўтказиладиган лотерея ўйинларининг бирида ютуқ чиқадиган рақамларни олти ой илгари аниқ айтиб берди. Унинг бундай башоратини сир сақлашга келишилди ва гувоҳлар иштирокида конвертга солиниб муҳрланди ва пўлат сандиққа беркитиб қўйилди. Лотерея ўйини бўлиб ўтгандан кейин конверт очиб кўрилганда Копперфилд тўла ҳақ бўлиб чиқди. Бунга қандай эришганининг сирини сўраганларида «Бу осон. Кўпчилик одамлар ўз миялари имкониятларининг бор-йўғи ўн фоизидан фойдаланадилар» деб жавоб берди.



## ЙЎТАЛ ЁРДАМ БЕРГАНМИШ



Британия полицияси ўзининг йўталишлари билан «Ким миллионер бўлишни истайди» телешоу ғолибига миллион фунт ютишга ёрдам берган кимсани қидирмоқда. Бу тадбирни уюштирувчилар Чарльз Ингрэм миллионер бўлиб олганидан кейин бир неча кун ўтгач полицияга мурожаат қилишган. Савол-жавоб ўйинини олиб борувчилар ҳар гал Ингрэм саволларга жавоб беришидан олдин залда йўталишни эшитганлар. Ташкилотчилар шундай йўл билан одатда саволга тўғри жавоб айтиб турилган деб ҳисобламоқдалар ва ғолибнинг томошабинлар орасида ўтирган умр йўлдошидан гумон қилишмоқда. Диана Ингрэм худди шу ўйинда илгари ўттиз икки минг фунт ютган ва ҳатто унда қандай ғолиб чиқиш мумкинлиги ҳақида китоб ҳам ёзган эди. Шуниси шубҳалики, Ч.Ингрэм энг оддий саволларга жавоб беришда ҳам «танишга қўнғироқ қилиш», «залга мурожаат қилиш» каби ҳуқуқларидан фойдаланган. Бироқ, сўнгги миллион келтирадиган саволга дарҳол тўғри жавоб берган.

Турфа олам

***(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).***

## ЧОРВОҚҚА ТАШРИФ

*«Экосан» экология ва саломатлик халқаро жамғармаси пойтахт ва Тошкент вилояти ҳокимликлари, «Экосан-тур» экологик туризм халқаро маркази билан ҳамкорликда Бўстонлиқ туманидаги Чимён-Чорвоқ курорт зонасига халқаро миссия уюштирди.*

Мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокидаги ушбу миссия доирасида «Чимён-Чорвоқ зонаси – экологик туризм объекти» мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Унда сайёҳлик саноати мутахассислари ҳам қатнашдилар.

Учрашувда Ўзбекистон ўзининг сайёҳлик ресурслари бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринни эгаллаши ва дунёнинг ноёб сайёҳлик имкониятларга эга 10-15 та мамлакатлар сирасига кириши таъкидланди. Биргина Тошкент вилоятида Угам, Чирчиқ, Пскент каби йирик дарёлардан сув спорти ва туризмнинг ҳар-хил турлари билан шуғулланишда фойдаланиш мумкин.

Тадбир натижаларига кўра, Ўзбекистонда, умуман, Марказий Осиёда экологик туризмни ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрланади.

***Хуршида НАЗАРОВА.***

Тақдимот

## «ТАҚДИР ЙЎЛЛАРИ»

*"Ўзбектелефильм" студияси бадиий кенгашининг навбатдаги йиғилишида ёзувчи Эркин Усмонов ва режиссёр Юсуф Розиқов сценарийси асосида яратилган "Тақдир йўллари" номли икки қисмли телевизион бадиий видеофильмы муҳокама қилинди.*

Ушбу фильм "Ўзбектелефильм" студияси, Ўзбекистон темирйўллари давлат акциядорлик компанияси ва "Актёр" студияси ҳамкорлигида суратга олинди. Асар воқеалари 1962 йилларнинг бошидан то бизнинг мустақиллик давримизгача етиб келади.

***«Туркистон-пресс».***

Bolalik bog'i

## ENG ULUG' ISH

### (Rivoyat)

Qadimda bir dono chol yashagan bo'lib, uning uch o'g'li bo'r ekan. Chol umrini yashab, oshini oshab bo'lganidan so'ng, uchala o'g'lini huzuriga chaqirib, shunday debdi:

— O'g'illarim! Mening umrim tugab qoldi. Sizlar bir oy davomida insonlarga yaxshilik qilinglar! Qaysi biringizning qilgan ishlaringiz eng ulug' ish bo'lsa, ushbu yoqut ko'zli uzugimni hadya qilaman, — deb barmog'idagi qimmatbaho uzugini ko'rsatibdi. Shundan so'ng uchala o'g'il yo'lga ravona bo'libdi. Oradan bir oy o'tib, o'g'illar safardan uyga qaytib kelibdilar. Chol katta o'g'lini huzuriga chaqirib:

— Xo'sh, o'g'lim! Bir oy davomida insonlarga qanday yaxshilik qilding? — deb so'rabdi.

Shunda o'g'li:

— Ota! Men yo'lda keta turib, bir tilla uzuk topib oldim va uning egasini axtarib, oxiri topib, qaytarib berdim, — debdi.

Chol:

— Barakalla, sen dunyoda shu odamga nisbatan insoniylik burchingni ado etgansan. Uning omonatiga xiyonat qilmasdan, qaytarib bergansan, — debdi va o'rtancha o'g'lini huzuriga chaqiribdi:

— O'g'lim, sen odamlarga qanday yaxshilik qilding? — deb so'rabdi. O'rtancha o'g'il:

— Ota! Suv bo'yida ketayotsam, bir kichik bolaning suvda cho'kayotganini ko'rib qoldim va o'zimni kiyim-boshim bilan suvga tashlab, uni o'limdan qutqarib qoldim, — deb javob beribdi.

Chol:

— Barakalla, o'g'lim! Bir norasida bolaning cho'kib turganini ko'rib, uni o'limdan qutqarib qolgansan. Bu bilan o'z vazifangni bajargansan, — deb javob beribdi va uchinchi o'g'lini chaqiribdi:

— Xo'sh! O'g'lim, sen nima yaxshilik qilding? — deb so'rabdi.

Shunda kichik o'g'li:

— Ota, mening bir g'arazgo'y, ichi qora og'aynim bor. Men unga yomonlik qilmasam ham, u meni doim o'ldirish payida yuradi. Bir kuni keta turib, uni jar yoqasida uxlab qolganini ko'rib qoldim. U jarga yiqilib, halok bo'lmasin deb, choyshabidan ushlab orqa tomonga, jardan uzoqroqqa surib qo'ydim va xursand bo'lib, yo'limda davom etdim, — deb javob beribdi.

Chol kichik o'g'lining so'zlarini tinglar ekan, ko'ziga yosh olib:

— Barakalla, o'g'lim! Sen haqiqiy yaxshi ish qilibsan. Dunyodagi eng ulug' ish — bu yomonlik qilgan odamga yaxshilik qilishdir, — deb yoqut ko'zli uzugini kichik o'g'liga hadya etibdi.

***Kumush EGAMBERDIEVA tayyorladi.***

Суд залидан

## ОҒУФУРУШЛАР

*Гиёҳвандлик моддаларини контрабанда йўли билан тарқатиш, уларни пуллаш мақсадини кўзлаб, қонунга хилоф равишда олиш, сотиш оғир жиноят саналади.*



Лекин, Турсуной Хидирова буни унутди. Шу мақсадда Бекобод тумани «Далварзин» ширкат хўжалиги орқали у Тожикистон Республикасидан гиёҳванд моддалар келтириб сотишга «ихтисослашишни» ният қилиб қолди. Божхона назоратини четлаб ўтиб, Тожикистонга ўзи билан олиб борган қанд ва мураббо солишга мўлжалланган йигирма дона гулли шиша идишларни ерлик аҳолига нон, картошка ва пиёзларга алмаштирди. Уйига қайтар чоғи асл ниятини амалга оширди. Ўзига номаълум бўлган шахсдан 0,6 грамм героинни уч минг сўмга сотиб олди ва уйига келтириб яшириб қўйди. Жиноий режаларини амалга ошириш мақсадида икки дугонаси — Арофат Жамилова ва Соттихон Аҳмадалиеваларни уйига таклиф қилди. Меҳмондорчилик чоғида мезбон олти минг сўм пулни кейинчалик тўлаш шарти билан целофан бўлагига ўралган 0,3 грамм героинни уларга сотиб юборди.

Шу куни икки дугона шаҳар чеккасидаги ахлатхона ёнига бориб, героинни олти дона алоҳида-алоҳида бўлакларга бўлиб қадоқлашди. Икки бўлагини шу ернинг ўзида бир маротаба ишлатиладиган шприц топиб олиб, ўзлари «истеъмол» қилишди. Қолганини эса, шу атрофга яшириб қўйишди.

Бекобод шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан ўтказилган «Қорадори» тадбири чоғида Арофат Жамилова гумон қилиниб, гувоҳлар иштирокида текширилди. Икки дона полиэтилен халтача ичида жами тўрт дона кукунсимон гиёҳвандлик воситаси топилиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Шунингдек, тезкор текширувда Турсуной Хидированинг хонадонидан ҳам вазни 0,3 грамм бўлган шундай «оғу» топиб олинди.

Пировард натижада Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати бу ишни кўриб чиқиб, Турсуной Хидировани саккиз, Арофат Жамиловани эса уч йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди. Соттихон Аҳмадалиевага нисбатан икки йил синов муддати белгиланиб, унинг хулқи устидан назорат қилиш Бекобод шаҳар ички ишлар бошқармаси раҳбариятига юклатилди.

***Х. ИНОЯТОВ,***
***Тошкент вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси.***
***Ҳ. САЪДУЛЛАЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

## Сиз қандай изоҳлайсиз?



Тошкент вилояти хўжалик судининг 11-0205/969-сонли иши бўйича 2003 йил 10 январдаги ҳал қилув қарорига асосан Оҳангарон туманида жойлашган «Оҳангарон автобус-такси саройи» очиқ ҳиссадорлик жамияти банкрот деб эътироф этилди.

Даъволар эълон чиққан кундан эътиборан 2 ойлик муддатда қабул қилинади.
Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй.
Маълумот учун телефон, 34-41-26, 132-07-05.

Собир Раҳимов туман ҳокимлигининг 2002 йил 16 июлдаги 818-сон қарори билан давлат рўйхатига олинган Саримсақов Ровшан Уктамович номига берилган 0521545 рақамли тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юқоричирчиқ туманидаги «ANVAR» фермер хўжалигига тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Акмал Икромов туман ҳокимлигининг 2003 йил 9 январдаги 15-сон қарори билан давлат рўйхатига олинган, 0119744 рақам билан Анвар Кабилович Алимханов номига берилган якка тартибдаги тадбиркорлик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармаси жамоаси Ўртачирчиқ туман босмахонаси директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Жўрабой Султонович Ашировга акаси
**Тешабой СУЛТОНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бекажон

## КОФЕЛИ ПИРОГ



3 стакан унни 50 г қанд упаси, 1 чой қошиқ истеъмол содаси билан аралаштириб, 250 г. сариёғ ёки маргарин ва 2 дона тухум қўшиб хамир қорилади. Уни уч қисмга бўлиб, ҳар бири ёйилади ва духовка патнисига қўйиб пиширилади. Совугач ҳар бир корж устига кофели крем суртиб, бир-бирини устига қўйилади-да, энг юқори қисми безатилади. Кофели крем тайёрлаш учун 250 г қанд упаси, 200 г. сариёғ билан 3 ош қошиқ сувга 1 ош қошиқ кофе солиб тайёрланган эритмани қўшиб, миксер ёрдамида кўпчитилади.

***Наргиза ҚУРБОНОВА.***

## Биласизми?

*Луб толалари мустаҳкамлиги жиҳатидан темир билан бемалол тенглаша олади. Унинг тортиш кучи эса металлга нисбатан 15 баробар юқори экан.*

* * *

*Швед ботаниги Карл Линней гулларнинг турли вақтда очилишидан фойдаланиб, ботаник (гул) соат тузган. Биринчи механик соат эса — Хитойда ихтиро қилинган.*

* * *

*Олимларнинг ҳисоблашларига қараганда, ҳар туп терак ёз мобайнида бир килограммгача чанг ютар экан.*

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Буюртма Д-49. Адади 10003. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-3. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6